ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

ТАРЖИМА ВА ЛИНГВИСТИКА

(Илмий мақолалар тўплами)

1 чиқиш

Самарқанд - 2014

терминологических сочетаний из области науки, техники, спорта. Такие сочетания легко поддаются метафоризации и в результате образно-метафорического употребления получают устойчивые переносные значения, постепенно приобретая все признаки фразеологических единиц, пополняя их состав: Roundtable- встреча за круглым столом; Tochangethechannel- сменить тему разговора

Перевод фразеологических единиц с английского языка на русский представляет значительные трудности. Это связано с тем, что многие из них являются яркими, образными, лаконичными, многозначными. При переводе нужно не только передать смысл фразеологизма, но и отобразить его образность, не упустив при этом его стилистическую функцию. Также переводчику следует учитывать особенности контекста.

Литература

1. Райдаут Р. Толковый словарь английских пословиц.- СПб.: Лань, 1997.

Ғ.М.Шайзаков

ФРАЗЕОЛОГИЯДА АНТОНИМИЯ ҲОДИСАСИНИГ ЛУҒАТЛАРДА АКС ЭТИШИ

Антоним фразеологик бирликлар изоҳли луғатларда ҳам, таржима луғатларда ҳам бутунлай қарама-қарши маъноли шакллардан ташкил топган [T.A.Bushuy, 1996, p.34]. Мисол учун қуйидаги антоним фразеологик бирликларни кўриб чиқамиз: субстантив антоним фразеологик бирликлар: inside squatter – "катта фермер" // scrub cocky – "кичкина фермер"; феълли антоним фразеологик бирликлар: keep out of the rain – "кўнгилсизликлардан қочиш" // stir the possum – "кўнгилсизликларга бош суқиш".

Кўпинча антоним фразеологик бирликлар инсон феъл-атвори ва унинг фаолияти билан боғлиқ бўлган тушунчалар атрофида шаклланади. Антонимик муносабатларда бўлган кўпгина фразеологик бирликлар бир маъноли ҳисобланишади. Мисол учун, to spill the beans (сўзл.) "сирни фош қилмоқ" ва унинг синонимлари бўлган to tip the (one's) elbow = bend the elbow "режани фош қилмоқ" ва to blow the gab (the gaff) (sl.) "оғзидан гуллаб қўймоқ"; to make a break / a bad break "оғзидан гуллаб қўймоқ"; to let the cat out of the bag "сирни очиб, ўзини сездириб қўймоқ" каби фразеологик бирликларга to button up (one's) lip "сир сақламоқ" фразеологик бирлик антоним саналади.

Кўп маъноли фразеологиклар ўзларининг битта ёки иккита маъноларигагина антонимларга эгадирлар. Масалан, to sit on one's hands фразеологик бирлик биринчи маъноси "аранг қарсак чалмоқ"га to get (give) a big (good) hand "давомий олқишлар билан кутиб олинмоқ" ва to bring down the house "жўшқин кутиб олинмоқ". Иккинчи маъноси "ҳеч нарса билан шуғулланмаслик"га to come up to the chalk, – "шижоатли меҳнат қилмоқ" фразеологик бирлик антонимик алоқада бўлади.

"To spill the beans" (разг.) - "сирни очиб қўймоқ, фош қилиб қўймоқ, оғзидан гуллаб қўймоқ" ва унинг синонимлари "to tip the (one's) elbow = bend the elbow" - "сирни очмоқ" ва "to blow the gab (the gaff)" (sl.) - "оғзидан гуллаб қўймоқ, ғийбат қилмоқ, сотқинлик қилмоқ, бирон кимга қарши кўрсатма бермоқ"; "to make a break / a bad break" - "оғзидан гуллаб қўймоқ; нотўғри қадам қўймоқ"; "to let the cat out of the bag" - "кимнингдир сирини очиб қўймоқ, оғзидан гуллаб қўймоқ, ўзини билдириб қўймоқ" каби фразеологизмларнинг барчаси "to button up (one's) lip" "сир сақламоқ" фразеологизмининг антонимлари саналади. Ушбу фразеологизмнинг ўзи эса "to be under one's hat" - "қаттиқ сир сақламоқ", "to draw the curtain(on, over) smth" - "ниманидир яширмоқ, оғзини очмаслик." ва "to keep one's own counsel" - "ниманидир яширмоқ "not to breathe a syllable (a word)" - "лом-мим демаслик, сир сақламоқ" фразеологизмлари билан синонимик алоқаларга киришади.

"To keep one's shirt on" - "хавотир олмаслик, ўзини хотиржам тутиш" фразеологизми ва унинг синоними "to hold one's horse (sl.)" - "сабрли бўлмоқ, ўзини

осойишта тутмоқ" фразеологизми ўзаро синонимик алоқада бўлган бир қатор антоним фразеологизмларга эга. Булар қуйидагилар:

"to get in one's hair" - "кимнингдир асабига ўйнамоқ, безовта қилмоқ, жонига тегмоқ";

"to have kittens, to have a litter of Kittens" - "қаттиқ хавотирга тушмоқ, қаттиқ жаҳл қилмоқ, саросимага тушмоқ";

"to go up in the air" - "жаҳли чиқиб кетмоқ, кучли ҳаяжонга чулғанмоқ";

"to be one's ear" - "қаттиқ жаҳл қилмоқ, ўта асабий ҳолатда бўлмоқ, қаттиқ ҳаяжонланмоқ";

"to get somebody's Indian up" - "кимнингдир жаҳлини чиқармоқ, кимнидир хафа қилмоқ";

"to throw a fit" - "ғазабдан қутуриб кетмоқ";

"to have it in for smb" - "кимгадир жаҳл қилмоқ";

"to get one's hammer out" - "кимдандир ўч олшни истамоқ, ким биландир душманларча муносабатда бўлмоқ, кимнидир хушламаслик";

"to hit the ceiling" - "қаттиқ хавотирга тушмоқ, қаттиқ жаҳл қилмоқ, саросимага тушмоқ";

"to get under one's skin" - "кимнингдир асабига ўйнамоқ, кимнингдир жонига тегмоқ.";

"to blow a fuse (a gasket)" - "қаттиқ хафа бўлмоқ, жаҳлдан ўзини тутиб тура олмаслик, жаҳлдан ўзини йўқотиш";

"to blow one's top (cap, lid, stock)" - "қаттиқ хафа бўлмоқ";

"to give somebody a pain in the neck" - "кимнингдир асабига ўйнамоқ, кимнингдир жонига тегмоқ" (Кунин 1984: 378).

"to lay down (to bury) the hatchet" - "тинчлик ўрнатмоқ, душманликка чек қўймоқ" фразеологизмига "to take up the tomahawk" - "уруш бошламоқ, ҳарбий ҳаракатларни бошламоқ" фразеологизми антоним бўла олади.

"to keep the run of something" - "ишдан бохабар бўлмоқ, ниманидир кўздан қочирмаслик" фразеологизми "to lose the run of something" - "бирон ишдан бехабар бўлмоқ, кимнидир кузатишдан тўхташ" маъноларини берувчи фразеологизм билан антонимик муносабатга киришади.

"to do somebody dirt" - "кимгадир чох қазимоқ, кимгадир ифлослик қилмоқ, ким биландир ёмон муносабатда бўлмоқ" фразеологизми "to die dog for somebody" - "кимгадир ўта вафодор бўлмоқ, ким учундир жон беришга тайёр бўлмоқ" фразеологизмининг антоними саналади.

"to cut up soft" - "соғлигига кўра бирон мусобақада қатнашишга лойиқ бўлмаслик" фразеологизми "to be hitting on all four (six) cylinders" - "ўзини жуда яхши ҳис этмоқ, формада бўлмоқ, ишга лаёқатли бўлмоқ" фразеологизмига антоним ҳисобланади.

Кўп маъноли фразеологик бирликларнинг айримлари фақатгина ўзларининг у ёки бу маъноларигагина антонимларга эгадирлар. Мисол учун, "to sit on one's hands" фразеологизми ўзининг биринчи ҳисобланган "қарсак чалмаслик" маъносига антоним сифатида иккита фразеологизмга эга. Улар қуйидагилар:

1. "to get (give) a big (good) hand" - "давомий олқишларга сазовор бўлмоқ";
2. "to bring down the house" - "эътироф этилмоқ".

Иккинчи маъноси эса тўлиқ мос келадиган антонимга эга эмас. Мисоллардан кўриниб турибдики, фразеологизмлар доирасида антонимия ҳодисасини ўрганиш, уларнинг луғатларда баён қилинилишини таҳлил этиш бирмунча мураккаб саналади ва ўзига хос ёндашувни талаб қилади.

Т.Галиева. Сравнительный анализ концептов «friend» и «do`st» в аспекте перевода 60
Д. Жабборзода. Трудности перевода пословиц и поговорок английского и русского языков .61
М.Джураева. Переводная эквивалентация гендерной фразеологии английского языка 63
Н. Ибадова. Таржима луғатларида фразеологик бирликлар баёнида учрайдиган айрим муаммолар 65
Ю.Исматова. К вопросу об изучении фразеолекта Вильяма Шекспира 66
К.Карапетова, М.Расулова. Разговорная речь в романе «Я не боюсь» Никколо Амманити..69
С.Каримова. Особенности перевода препозитивных атрибутивных конструкций 70
Л.О.Ким. Национальная специфика лексики чувственного восприятия в языке корейской рекламы 72
O'.Qo'doshev. Ernest Hemingueyning "Alvido, qurol" asarida stilistik vositalarning uslubiy ma'nolari va tarjimasi tahlili 74
R. Mirsanov. Ingliz va o`zbek tillarida salbiy va ijobiy hurmat holatlarining ifodalanishiga doir ayrim mulohazalar 77
А.Морозова. Испан ва ўзбек мақолларда "муҳаббат/amor" концептининг когнитив моҳиятини намоён бўлиши 78
A. Raxmonova. Language comprehensionin psycholinguistics 81
F.Razikov. Gapning aktual bo'laklarga bo'linishi nazariyasining jahon tilshunosligida o'rganilishi holati 82
Н.Рузиева. Перевод именных словосочетаний 83
С.Ф. Туракулова, Н.А. Расулов. Корейс тилида отнинг асосий ва етакчи кўрсаткичлари 85
Н. Суванкулова. Языковые контакты имодернизация корейского языка 87
А.Темиров. Косвенность с отрицательной семантикой 88
Д.Б. Шадыева, М.Р. Хакимов. Основные положения экзамена CILS 89
Ф.Ҳалимова. Поэтик матн таржимасининг прагматик муаммолари 90
D.**Tursunova.** Ko`makchilarning arab va boshqa tillar grammatikasidagi o`rni 93
Л. Холмурадова. Некоторые проблемы перевода английских фразеологизмов 95
Ғ.М.Шайзаков. Фразеологияда антонимия ҳодисасининг луғатларда акс этиши 96
Т.Шамсутдинова. Синтаксемы, выраженные личными местоимениями в позиции подлежащего (NP1) 98
Р. Т. Шодиев, Л. Шарапова. Лингвокультурологический аспект и проблемы когнитивной лингвистики в переводоведении 99
M. Karimova. The effective way of speaking 101
Н.Бахриева. Особенности перевода абсолютных именных конструкций с английского на русский 102
Д. Бабаева, Б. Мардиев. Сифатларнинг баҳоловчи компонентлари ва уларнинг луғатларда ифодаланишига доир 104
Ф.У.Анарбаева, Ғ.М.Нурматов. Хорижий тилларни ўқитишда Moodle тизимида тест элементи билан ишлаш 107
Ҳ.Қ. Жаббарова. Хорижий тилларни ўрганишда замонавий ахборот технологияларни қўллаш 109
A. N. Kasimova. The main difficulties in translating idioms 110
Sh.O'roqov . Zamonaviy yapon tilida xushmuomilalik kategoriyasi stilistik vosita sifatida 111
У. Хусанов. О романе "Мартин Иден" 112
Д.Ф. Тоирова . Проблема ритма в прозе Виктора Гюго 114
А.Буматова. Ўзбек адабиёти насрий асарлари таржима жараёни масалалари 116
A.Bumatova. Translation matters or adverse effect of translator 120